*Юрган—дарё*

# МОВАРАУННАҲРНИНГ КЎЗИ—САМАРҚАНД!

*Самарқанд! Мозийдан афсоналар сўйлагувчи қадим юрт.*

*Самарқанд! Не-не даҳоларнинг муборак қадамлари билан ёришган табаррук тупроқ...*

*Самарқанднинг тарих нафаслари уфуриб турган қадим йўлларидан кетарканман, беихтиёр хаёлимдан шундай залворли ўйлар кечди. Ва шу ёруғ ўйлар таъсирида Самарқанд вилоят Халқ таълими бош бошқармасига кириб бордим. Ва бош мутахассис, обуна ишлари бўйича масъул раҳбар Жамолиддин ака Фозилов билан суҳбатлашдим:*

— Самарқанд азалдан бутун Шарқда маданият ва маънавият бешиги бўлиб келган. Албатта келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши керак. Бунинг учун эса биз аввало ишни маориф соҳасидан бошламоғимиз лозим. Зеро, ҳар қандай юксалиш ва тараққиётнинг асосида таълим ва тарбия ётади. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг болалари бугун жаҳон айвонида юз бераётган ҳар бир ҳодисани аниқ ва тўғри баҳолай олишлари, дунёдаги ҳар бир оламшумул янгиликларда бевосита иштирок этишлари шартдир. Бу ўринда эса газетанинг хизмати беқиёс. Кундалик хабарлар, маданият, маънавият, илм-фан, санъат ва бошқа соҳаларда юз бераётган янгиликлар ва ўзгаришларни етказишда газета болажонларимиз учун беминнат дастёр ҳисобланади. Мана менинг қўлимда 1997 йил 7 декабргача бўлган аниқ маълумот бор. Шунга қараб айтадиган бўлсам, «Тонг юлдузи»га умумий обуна сони 2266 тадан ошган. Мен албатта бу билан энди обунани йиғиштириб қўямиз демоқчи эмасман, чунки бизнинг йиллик режамиз аслида 3336 тани ташкил қилади. Бизнинг вилоятимизда жами 1162 мактаб ва 628 минг ўқувчи бор. Албатта 628 минг ўқувчига 3336 та газета камлик қилади. Шунинг учун ҳам бор имкониятларимизни ишга солиб қўлдан келгунча ҳаракат қилаяпмиз.

*Биз эса, газетамизнинг 1997 йил, 8 ноябр сонида «25 минг 500 та «Тонг юлдузи» га обуна бўлса бўладими? 17 минг ўқувчи «Тонг юлдузи» ўқийдиган сурхондарёликлардан бизнинг қаеримиз кам?», деган ваъдани берган бошқарма бошлиғи Абдумалик Мажидов гапини эслаб ичимизда кулиб турардик.*



Биз ўша куни Самарқанд вилоят болалар ижодиёти маркази қошида ташкил этилган «Наъматак» ёш ижодкорлар тўгарагининг раҳбари, сизга яхши таниш шоир бобонгиз Олқор Дамин билан биргаликда вилоятдаги энг намунали мактаблардан бири бўлган Самарқанд шаҳар Боғишамол туманидаги Б. Суровцев номли 45-ўрта мактабда бўлдик. Мактаб ўрис ва ўзбек тилига асосланган бўлиб, унда 1400 ўқувчи таълим оларкан. Мактабда таълим- тарбия ишлари жуда зўр йўлга қўйилган. Мактаб директори Ирина Дмитриевна Афанасьеванинг айтишига қараганда шу мактабнинг собиқ ўқувчилари Гулноза Йўлдошева ва Фурқат Шарафиддиновлар Америкадаги иқтисодиёт ва тиббиёт дорилфунининг пешқадам талабаларидан бири эканлар. Ҳамма иш жойидаю, лекин обуна масаласига келадиган бўлсак....




Мана шундай 1400 ўқувчи ва 96 ўқитувчидан иборат ва намунали мактабда «Тонг юлдузи» газетасига бирортаям обуна бўлинмаган.

## ИСТЕЪДОДЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Шунақа қилиб десангиз 45-мактабдан кайфиятимиз тушиброқ чиқдигу, Боғишамол туманидаги тожик тилига ихтисослаштирилган 8-ўрта мактабга йўл олдик. Негадир мактаб ҳовлисида ҳам, синф хоналарида ҳам ҳеч ким кўринмасди. Аввалига роса ҳайрон бўлдик. Чунки дарслар тугаган десак, ҳали унга анча эрта, қолаверса бу мактабда дарслар тўлиқ 2 сменада олиб борилади.

Ўйланиб тургандик, бизни мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Сора опа Шарипова мактаб клубига бошлаб бордилар.

У ерда «ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ» деган кўрик-конкурс ўтказилаётган бўлиб, мактаб директори Акбар ака Ибодов конкурсга ҳакамлик қилаётган эканлар.

У жуда ажойиб руҳда бўлиб ўтди. Кўрик тугагач биз Акбар ака билан обунанинг бориши тўғрисида суҳбатлашарканмиз, кўнглимиз ёришиб кетди. У кишининг айтишларига қараганда то бугунга қадар биргина «Тонг юлдузи»нинг ўзига обуна сони 270 тага етказилибди. Мактабда 820 ўқувчи борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда қувонарли ҳолдир.

*Сафаримиз қариб Самарқанддан қайтарканмиз беғубор болаларнинг кўзларида кулган шодлик нурларини кўриб, бу қадим элнинг бугуни ёруғ, эртаси ундан-да чароғон бўлишига чин дилдан иймон келтирдик. Зеро, Самарқанд Улуғбекнинг тийрак нигоҳлари билан она Туронимизга ёғду сочган муаззам машъал, қадим китобларда ёзилганидек: «Мовароуннаҳрнинг кўзи, юраги, бу азим Самарқанддир!».*

ИЛЛО, АБАДИЙ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАЖАК!

**Муҳаббат МАҚСУДОВА,**
**Санобар МЕҲМОНОВА**

*САМАРҚАНД БОЛАЛАРИ ҲАҚИДАГИ САҲИФАМИЗНИ ЯНГИ ЙИЛДА ЎҚИЙСИЗ.*



## ЯНГИ ЙИЛДАН БОШЛАБ...

**Обуна-98**

Таҳририятимизга келаётган хатлар, хабарлар ва қўнғироқларнинг кети узилмайди. Энг қувончлиси улар ичида газетамизнинг обунасига мухлисларимизнинг бефарқ эмасликлари ва бунга қайғураётган жонкуярларимиз анчани ташкил қилишидир. Хатлар орасида газетамизни лотин ҳарфларда ўқиш истагини билдирган мухлисларимиз ҳам талайгина. «Мен ўзим рўзнома ва ойномаларни тарқатаман,—деб ёзади тошкентлик Тўхтахон ая,—яп-янги соң рўзномаларнинг ҳаммасини бирма-бир қараб чиқаман. Лотин имлосидаги мақолаларнинг барчасини албатта ўқийман. Сизлардан илтимос, лотин имлосида мақолалар бериб боргансизлар, набираларим билан маза қилиб ўқир эдик.»

**Таҳририятдан:**

***Ўқувчиларимизнинг ёши, қизиқишларини ўрганиб чиққан ҳолда газетамизнинг янги йил сонларидан бошлаб лотин алифбосидаги материаллар бериб борамиз. Сиз азиз мухлислардан эса янада кўпроқ мактублар кутиб қоламиз.***

***Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани мактабларида***

## АЛИФБЕ БАЙРАМИ

Юқори Чирчиқ туманидаги барча мактабларининг 1-синф ўқувчилари ўртасида «Лотин алифбосини ўрганамиз» мавзусида байрам тадбирлари зўр қизиқиш билан ўтказилмоқда.

Куни кеча тумандаги 20-ўрта мактабнинг 1-синф ўқувчилари томонидан ўтказилган тадбир ҳам узоқ вақтгача улар ёдидан чиқмайдиган бўлди.

Ушбу тадбирда жажжи ўқувчилар жонли театрлаштирилган саҳна кўринишлари, шеър ва рақсларини ижро этишди.

Байрам тадбирини мазмунли ва мароқли ўтишида мактабнинг бошланғич синф бўйича илмий бўлим мудири Шарифа Бадалова, бошланғич синф ўқитувчиси «Шуҳрат» медали соҳиби Иноят Мавлоноваларнинг хизматлари катта бўлди.

Қизиқарли ва мароқли кечада иштирок этган ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам оламолам таассуротлар билан қайтишди.

## ҚОНУН ВА БЎЛАЖАК ЁШЛАР

4-ўрта мактабда «Қонун ва бўлажак ёшлар» номли тадбир бўлиб ўтди.

Қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой бўлган ушбу тадбир икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда ўқувчилар «Қонун ва бўлажак ёшлар» мавзусида баён ёзишган бўлсалар, иккинчи босқичда эса тарих, ҳуқуқшунослик, адабиёт ва бошқа фанлар асосида тузилган саволлар бўйича баҳо олиб боришди. Ушбу тадбирда юқори синф ўқувчилари Мадина Раҳмонбердиева ва Шоҳсанам Қурбонбоевалар ҳаммадан кучли эканликларини намойиш қилишиб, ҳакамлар томонидан ғолиб, деб топилишди.

Тадбирни мароқли ва мазмунли ўтишида мактабнинг «Маънавият ва маърифат» бўйича директор муовини Нишонгул Қаюмқулова, мактаб етакчиси Дилфуза Рисқулова, ўқитувчилардан Абдували Тоғаев, Тоштемир Тўйчиевларнинг хизматлари катта бўлди.

**Латифжон МАНСУРОВ,**
**Кавардон қишлоғи**

